



# O'ZBEKISTON OVOZI

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

9 май умумхалқ байрами — Хотира ва кадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Гала-банинг 67 йиллиги нишонлангани муносабати билан ҳамда уруш қатнашчилари ва ногиронларини моддий рағбатлантириш мақсадида:

1. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 400 000 (тўрт юз минг) сўм миқдорда бир марталик пул мукофоти белгилансин.

2. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Марказий банки

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига ушбу пул мукофотининг тантанали ва байрамона вазиятда топширилишини таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бадий академия, Хотин-қизлар кўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» ва «Маҳалла» жамғармалари, бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Ватанимиз озодлиги ва шаъну шарафи ҳимоячиларига бағишланган махсус учрашувлар ва маърифий-бадий кечалар ўтказсин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2012 йил 18 апрель

## Фракция фаолияти

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.



Муродбек ЗИЕ олган суратлар.

## ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Вазирлар Маҳкамаси киритган мазкур қонун лойиҳасининг мақсади — хатланган мол-мулкни реализация қилишни тартибга солишдан иборат.

«Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун қабул қилингунча «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 56-моддасига асосан хатланган мол-мулкни, хусусан, ер участкаси, қурилиши тугалланмаган объектлар, қўчмас мулкни узоқ муддатли ижарага олиш ҳуқуқлари, ер участкасига бўлган моллик ҳуқуқлар ҳамда хатланган автомобилларнинг реализация қилиш тартибидан белгиланган махсус ажратилган майдончаларда биржалар ўтказиладиган очик аукцион шаклидаги кимосиди савдосида амалга оширилар эди.

Мажитхон УСМОНОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

«Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши қўчмас мулк объектларини ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш билан боғлиқ муносабатларни такомиллаштириди. Шундан келиб чиқиб,

«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунга хатланган мол-мулкни реализация қилиш бўйича риэлторлик ташкилотлари билан савдони ташкил этувчи ташкилотларнинг ваколатларини белгилаш билан боғлиқ меъёр киритиш кўзда тутилмоқда.

Унга кўра, мазкур Қонуннинг 56 ва 63-моддаларига хатланган қўчмас мулкларни риэлторлик ташкилотлари, хатланган автомобилларнинг воситаларини эса савдони ташкил этувчи махсус савдо ташкилотлари реализация қилишини назарда тутуви ўзгартириш тақлиф этилган.

Депутатлар «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун хатланган мол-мулкни реализация қилиш тартиби такомиллаштиришга хизмат қилишни таъкидлашди.

Фракция республика Олий суди киритган «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда таҳлилдан ўтказди.

(Давоми 2-бетда.)

## ЎзХДП: «Истиқбол» ёшлар қаноти

### ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШДА

ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш зарур

2-бет

## ЎзХДП: Маҳаллий кенгашларида

### ҲАРАКАТ ДАСТУРИДАГИ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАР БИР ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ БУРЧИДИР

ЎзХДП Наманган вилоят кенгашининг VIII пленуми бўлиб ўтди. Унда партия Марказий Кенгаши вакиллари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзолари, вилоят партия кенгаши фаоллари, маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирок этди.

Пленумда вилоят партия ташкилотининг 2011 йилдаги фаолияти танқидий таҳлил қилинди. Жорий йилда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда партия ташкилотларининг амалий иштирокини таъминлаш масаласи кўриб чиқилди.



Абдурашид УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши раиси, вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:

— 2011 йилда партия ташкилотларимизнинг фаолияти сезиларли даражада кучайди. Туман, шаҳар ва вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан 15 дан ортиқ масала тегишли сессия ва доимий комиссия йиғилишларида муҳокама қилинди. Хусусан, вилоят Кенгаши сессиясига «2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ижросини бажариш тўғрисида»ги, Тўрақўрғон туман Кенгаши сессиясига «Туман халқ таълими бўлимига қарашли Тўйчи Полвон Сиддиқов номли миллий кураш спорт мактаби моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Наманган шаҳар Кенгаши сессиясига «Ўзбекистон Республикаси «Чикиндилар тўғрисида»ги Қонуннинг Наманган шаҳридаги ижроси тўғрисида»ги масалалар киритилди.

Утган йили Наманган шаҳар ва туман кенгашлари қошидаги 14 та Жамоатчилик қабулхонасига 528 та муурожаат туш-

ди. Уларнинг аксариятида электротар вакиллари асосан ишга жойлашиш, меҳнат фаолиятини қонуний расмийлаштириш, ўз бизнесини ташкил этиш каби масалаларда маслаҳат-кўмак сўраган. 500 га яқин муурожаат тегишли ташкилотлар ва давлат идоралари ёрдамида ҳал этилди.

Вилоят партия кенгаши Ҳаракат дастурига мувофиқ, бу йил худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда иштирок этишга оид чора-тадбирлар режасини ишлаб чиққан. Унга кўра, ЎзХДП депутатлик гуруҳлари жорий йилнинг 2-чорагида Наманган шаҳри, Мингбулоқ ва Наманган туманларида касб-хунар коллежи битирувчиларининг иш билан таъминлигини бўйича тегишли сессияларга масала киритиши ва бу борадаги камчиликларни бартараф этишга эришиши керак. Шунингдек, Учқўрғон туманида касаначиликни ривожлантириш бўлимига янги иш ўринлари очиб, Чуст туманида аҳолига тегишли хизмат кўрсатиш сифати ва шу соҳадаги дастурлар ижроси бўйича масалалар сессия муҳокамасига киритилиши кўзда тутилган.

Пленумда сўзга чиққанлар, Ҳаракат дастурида белгилан-

ган вазифалар бевосита электротар манфаатига қаратилгани, унинг ижросини таъминлаш ҳар бир партия ташкилоти бурчи эканлигини ўқитишди.

Орифжон ОХУНОВ, Тўрақўрғон туман партия кенгаши раиси, туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари:

— Туманимизда 3700 нафардан зиёд партия аъзоси бўлиб, улар 60 та бошланғич ташкилотга бирлашган. Депутатлар улар билан бамаънабат иш юритмоқда. Утган йили тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган амалий ишлар қилинди. Масалан, электротар муурожаатларини атрофда ўрганиш асосида мутаассадди ташкилотларга 100 дан ортиқ депутатлик сўрови юборилди ва уларнинг аксариятига қониқарли жавоб олинди.

Бу йил тумандаги касб-хунар коллежларини 3121 нафар йилгит-қиз тамомлайди. Уларнинг 3 минг нафарга яқини билан ишга жойлашиш бўйича уч томонлама шартнома имзолан-

ди. Ҳозир уларнинг тўлиқ бажарилиши юзасидан мониторинг олиб борилмоқда...

Пленумда хато ва камчиликлар танқид қилиниб, айрим партия ташкилотлари фаолияти талаб даражасида эмаслиги қайд этилди. Хусусан, Мингбулоқ, Янгиқўрғон туманлари бошланғич партия ташкилотлари имкониятидан тўлиқ фойдалана олмаётгани кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, депутатлар билан бошланғич партия ташкилотлари ўртасидаги алоқалар изчил йўлга қўйилгани таъкидланди. Пленум ишида ЎзХДП МК раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева иштирок этди ва ЎзХДП Марказий Кенгашининг VI пленумида бу борада берилган тавсияларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича амалий ишлар қилиш зарурлигини таъкидлади.

Пленумда худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш жараёнида партия ташкилотлари иштирокини таъминлашга қаратилган қарор қабул қилинди.

Хуришд ФАЙЗИЕВ

## Муносабат

Президентнинг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони тадбиркорлар, молия-банк, солиқ, божхона, вазирликлар, идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимият тизими ходимларида катта қизиқиш уйғотди. Унда белгиланган имтиёзлар, кафолат ва афзалликлар хорижий инвесторларни бефарқ қолдирган эмас.

## ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Мазкур ҳужжатда мамлакатимизда, хусусан, минтақаларда хорижий сармоя иштирокида юқори технологияли ишлаб чиқаришни ривожлантириш, хорижий инвесторлар ва инвестициялар жалб этилган корхоналар учун инвестиция муҳитини янада яхшилаш, уларга бериладиган кафолат ва имтиёзлар тизимини кенгайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар ўз ифодасини топган.

→ 2

## Ҳуқуқий тарғибот

### ЯХШИ АДВОКАТ ИЗЛАБ...

Инсон ҳаёти ҳамиша бир текис кечмайди. Гоҳида билиб билмай турли воқеа-ҳодисалар иштирокчиси бўлиб қоласиз, баъзан ишонувчанлигингиз панд бериб, фарибгар тузоғига тушишингиз мумкин. Баъзан оилавий можароларни ҳал қилишга тўғри келади. Ана шундай вазиятларда кимдан маслаҳат, кимдан ёрдам сўрашни ўйлайсиз. Бу муаммо адвокатсиз битмаслигини билгач, адвокат олишга қарор қиласиз. Бундай пайтда ҳамма ҳам яхши адвокат қидиради. Уни топиш осонми? Мухбиримиз шу саволга жавоб излади.

— Мустақиллик йилларидаги адвокатура тизимидаги ислохотлар айнан барча фуқароларнинг тенг ва малакали ҳуқуқий ёрдам олишига қаратилди. — дейди Адлия вазирлиги нотариат, адвокатура ва ФХДЭ органлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари Ақтам Муҳаммадиев. — Бунинг самарасини эса ҳаётнинг ўзи кўрсатяпти. Дарҳақиқат, 1996 йил мамла-

катимизда «Адвокатура тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди, Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2008 йил 1 май Фармони бу соҳадаги ислохотларга катта туртки бўлди. — Унга асосан, жисмоний ва юридик шахсларнинг тергов ва суд ишини юриштининг ҳар

қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланди. Шунингдек, адвокатлик фаолияти билан шуғullanувчилар олдига қатор талаблар қўйилди, — дейди суҳбатдошим. — Олий юридик маълумотга эга бўлиб, юридик соҳада камида икки йил фаолият кўрсатган, бирон адвокатлик тўғрисида олти ой давомиде стажировка ўтагандан кейингина адвокатлик лицензиясига талабгор бўлишингиз мумкин. Бундан ташқари, илгари эҳтиёт шарт юзасидан ҳар бир юрист адвокатлик лицензиясини олиб сандигига ташлаб қўйиши мумкин бўлса, энди адвокатлик фаолияти юри-тадиганларгина лицензия олиши, улар фақат адвокатлик палатасидагина параллел равишда фаолият юритиши ва илмий-педагогик фаолият билан шуғуллиниши мумкин.

(Давоми 3-бетда.)



Хуқуқий тарғибот

# ЯХШИ АДВОКАТ ИЗЛАБ...

Бу ислохотларнинг асосида фуқароларимизнинг хуқуқий манфаатларини кафолатлаш мақсадлари ётади. Шунингдек, суд жараёнларида айблов ва ҳимоя томонларининг тенг имкониятларини таъминлаш, жиноий ишларда ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлам вакилларига маъсуб бўлган фуқароларга юридик ёрдам кўрсатган адвокатлар ҳақининг давлат томонидан тўламини ҳам шу вазифаларга хизмат қилади.

Албатта, адвокатларнинг ўз хизмат вазифаларини бажариши учун уларнинг хуқуқлари қонуний белгиланган, айни пайтда улар олдига қўйилган талабларнинг бажарилишини назорат қилиш, касб этикасини бузган ҳолларда чора кўриш механизми ҳам шаклланди.

Адвокатлар палатаси ва унинг худудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тарқиб тенг миқдорда адвокатлар палатаси ва адлия идоралари вакилларида иборат. Ўтган 2011 йил давомида малака комиссиялари томонидан 256 адвокатга интизомий чора қўрилган. Жумладан, 109 адвокат оғохлантирилган, 63 нафарининг лицензияси амал қилиши маълум муддатга тўхтатилган,

(Давоми. Боши 1-бетда.)

93 адвокатнинг лицензияси беркор қилинган. Хуллас, адвокатга ишонч билдирувчи шахс унинг ноқонуний хатти-ҳаракатларидан норози бўлса, Адвокатлар палатаси ёки адлия вазирлигининг жойлардаги бошқармаларига бемалол мурожаат қилиши мумкин.

Сўхбатдошимнинг айтишича, агар адвокатнинг сизга тегишли ёрдамни кўрсатмаганини исботлай олсангиз, унга тўлағин хизмат ҳақингизни суд орқали ундириб олиш ҳам мумкин экан.

Мана бу факт ҳам кишини ҳушёрликка чорлайди — адвокатлар палатасининг маълумотларига кўра, кейинги икки йил ичида 64 адвокат Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-ва 211-моддалари — фирибгарлик ва пора бериш жиноятлари билан айбланиб, жавобгарликка тортилган.

Яхши адвокат топиш ҳамisha ҳам муҳим масала бўлган. Адлия вазирлигидаги сўхбатимиз давомида унча-мунча маълумотларга эга бўлдик, келинг, уларга таяниб биргаликда яхши адвокат излаймиз.

Ҳозир ҳамма жойда урф бўлганидек, аввало интернетга мурожаат қилдим. Адлия вазирлигининг www.minjust.uz сайтининг реестрлар рўйхатидан адвокатлар реестрига кирдим.

Тошкент шаҳрида юзлаб адвокатлик бюроси, фирмаси ва коллегиялари мавжуд, кўпчилигининг номлинишиданок қайси соҳага ихтисослашганини аниқлаш мумкин. Тузилмаларнинг манзиллари, телефон рақамлари берилган. Компьютер тугмачасини босиб, бир неча дақиқа ичида республиканинг турли вилоятларидаги адвокатлик тузилмалари ҳақида маълумотга эга бўласиз.

Тошкент шаҳридан ўзим ашайдиган тумандаги адвокатлик фирмаларидан бирининг эшигини тақиллатдим.

— Хизмат, опа, — салом-алиқдан кейин гап-сўздан зиблинамолиги билиниб турган йигит сўради.

— Менга адвокат ёрдами керак эди. Бобомдан қолган мерос устида иккинчи даражали қариндошлар билан тортишишга тўғри келяпти.

Шундан кейин жанжалли «мерос» ва унинг «талабдорлари» борасида озгина тушунча бердим.

Йигит гапимни диққат билан эшитди ва мулоимлик билан тушунтирди:

— Ҳужжатларингизни олиб келинг, давонгизнинг қай даражада асослигини ўрганамиз, шундан кейингина сизнинг манфаатларингизни судда ҳимоя қилиш тўғрисида шартнома тузишимиз мумкин.

Хизмат учун тўлов кўпи билан

қанча бўлишини билишга ҳарчанд уринмайин, ҳақ бажариладиган ишлар ҳажмига қараб белгиланишини айтиб, бу ҳақида маълумот беришмади.

Фирма яхши адвокатни талаб олишнинг энг оддий шартига жавоб бераётган эди. Ишга оид ҳужжатларни чуқур ўрганмай туриб, сиз юз фоиз ҳақсиз, судда тўла ютиб чиқасиз, бунга кафолат бераман, дейдиган адвокатдан нарироқ қочинг, деб маслаҳат беришганди менга.

Шунингдек, учрашув жойи ҳам муҳим аҳамиятга эга — биз мижозга қулайлигини ўйлаймиз, деган баҳона билан кўча-кўйда, кафедра шартнома тузиб кетаверадиганларга ҳам шубҳа билан қараш керак. Чунки мижозлари кўп, таникли адвокатларнинг яхши худудда яхши офиси бўлиб, бу ерда мурожаат қилувчилар билан ишлашиш учун имкониятлар яратиб қўйилади.

Хатто, ёллаётган адвокатнингизнинг сўзлашиш маданиятига ҳам эътибор беринг — агар у икки озғин гапни эплотмаётган бўлса, сизни қандай ҳимоя қилиши мумкин? Зеро, суд жараёнларида ишончли далилларни маҳорат билан, жараён иштирокчиларининг диққатини тортган ҳолда баён этиб бериш жуда муҳим.

Адвокатдан сизникига ўхшаш ишларда иштираётган, ютиб чиққан ҳолатлар тўғрисида сўра-

шингиз мумкин. Агар у бу ҳақида сўхбатлашини истамаса бошқалардан суриштирганингиз ёки бу адвокат билан муносабатларингизни шу ердаёқ тўхтатганингиз маъқул.

Адвокат билан шартнома тузаётганда ундан қандай ёрдам кутаётганингизни илҳом бори-ча аниқ ёзинг. Акс ҳолда унга сизнинг ҳимоянгиз учун эмас, суд мажлисларида иштироки учун пул тўлайсиз, холос. Яхши адвокат шартнома тузилаётганда сизга бир дунё ваъда бериб, аксинча, жараёнлар давомида қарши тараф, айбловчи томонидан янги далил ва ҳужжатлар тақдим қилиниши оқибатида ишлар режадагидай кетмаслиги ҳақида оғохлантиради.

Адвокат излашга киришганингизда сизга таклифлар ҳам бўлиши мумкин. Масалан, жиноий ишларда базан адвокатни айбланувчига терговчиларнинг ўзлари таклиф қилишлари мумкин. Терговчининг хизмат танишлари нуқтаи назаридан унинг тавсияси тўғри эканлигига шубҳа қилмасамиз ҳам бўлади. Аммо терговчида ҳимоянинг кутилаётган қаршилигини йўққа чиқариш мақсади бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Шунингдек, адвокат хизматидан бир марта фойдаланган шахс ҳам ўз тавсияларини айтиши мумкин. Ундан барча



икир-чирларга сўраб олсангиз бўлади — сўхбатдошимиз булар ҳақида эринмай маълумот берса, ишонаверинг, адвокатнинг хизматидан шу даражада мамнунки, бу ҳақида мана бир соатдан бери вақтинги қизғинмай сизга маълумот беришдан чарчамайпти.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам адвокатлик хизмати турмушимизнинг барча соҳаларини қамраб олган. Бизнесини юритиш учун адвокат ёллаган, унинг тавсияси тўғри эканлигига шубҳа қилмасамиз ҳам бўлади.

Аммо терговчида ҳимоянинг кутилаётган қаршилигини йўққа чиқариш мақсади бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Шунингдек, адвокат хизматидан бир марта фойдаланган шахс ҳам ўз тавсияларини айтиши мумкин. Ундан барча

фақат фойда беради.

Адлия вазирлигининг маълумотларига кўра, мамлакатимизда лицензия асосида фаолият юритаётган адвокатлар ва адвокатлик тузилмалари йил сайин ошяпти. Масалан, 2011 йил 1 январь ҳолатига 3193 адвокат фаолият юритган бўлса, 2012 йил 1 январда бу рақам 3389 нафарни ташкил этган. Таклифнинг ошши талаб ва эҳтиёжнинг ошганидан дарак беради.

Демак, бу таклифлар орасидан яхши адвокатни танаб олтишнинг зарурати бўлган ҳам битим имзоламайдиган тадбиркорлар бор. Истеъмолчи сифатида ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ҳам адвокат ёрдамига тобора кўпроқ эҳтиёж сезилаяпти. Никоҳдан ўтаётганингизда никоҳ шартномаси тузганингиз, унинг ҳар бир шартини адвокатнингиз билан пухта фикрлашганингиз

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Реклама

## ХАЛҚ БАНКИ

# МУВАФФАҚИЯТЛАР ЭЪТИРОФИ

Мамлакатимиз иқтисодий ривожиди молия муассасаларининг мавқеи алоҳида ўрин тутди. Пойтахтимизда бешинчи марта ўтказилган «Банкэкспо – 2012» миллий кўргазмасида юртимизда фаолият кўрсатаётган барча молия муассасалари иштирок этди. Кўргазма очилишида сўз олганлар республикамиз банк-молия тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг самаралари, банклар томонидан мижозлар учун яратилган шароитлар хусусида тўхталишди.

«Банкэкспо – 2012» миллий кўргазмасида республикамиз барча банклари қатори Давлат-тикорат Халқ банки ҳам турли янги хизмат турларини намойиш этди. Маъмур банк томонидан асосан «Мустақам оила йили» давлат дастурига мувофиқ таклиф этилаётган янги хизматлар, жумладан, янги омонат турлари ва кредит маълумотлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Оилавий тадбиркорлик субъектлари, ўз бизнес фаолиятини ташкил этиш истагида бўлган касб-

хунар коллежлари битирувчилари ҳамда хотин-қизлар учун жорий этилган банк хизматлари бўйича атрофлича маълумотлар берилди. Шунингдек, кўргазма доирасида Халқ банки томонидан «Юридик ва жисмоний шахсларнинг ўз ҳисоб рақамларини маъсубан туриб бошқариш имкониятларини ошириш», «Банкда чакана кредитлашни ташкил этишнинг самарали усуллари», «Банк сектори учун алоқа маркази» каби қатор мавзуларда семинарлар ҳам ташкил этилди. Эътиборлиси кўр-

газма иштирокчилари ва мижозлар банк томонидан жорий этилган янги хизматлардан шу ернинг ўзиде фойдаланиш имконига ҳам эга бўлдилар.

— Халқ банкининг янги хизмат турларидан бири — «Уяли пул» тизимидан фойдаланиш имконига эга бўлганимдан хурсандман, — дейди кўргазма иштирокчиларидан бири Мирзохид Жўраев. — Банк ходимлари шу ернинг ўзиде ҳисоб рақамимни очиб берди, энди уяли телефоним орқали ҳисобрақамимни бошқариб, телефон учун қулай, бейхитёр кайфиятнингизни кўтарди, тадбиркорларга эса қимматли вақтинчи тежаш имконини беради.

Таъкидлаш жоизки, кўргазмада Халқ банки томонидан янги замонавий ахборот технологиялари ва хизматлари, хусусан интернет банкинг, мобайл банкинг,



замонавий пул ўтказмалари, пластик карталар билан ишлаш ва уларнинг афзалликлари кенг намойиш этилди. Кўргазмада иштирок этган хорижлик ҳамкорлар ҳам банк маълумотларига юқори баҳо беришди.

— Биз бир неча йиллардан буён Ўзбекистон банклари билан ҳамкорлик қилиб келамиз, — дейди Халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалари фонди бош маслаҳатчиси Ульрих Кинитц. — Юртингиз молия муассасалари орасида кейинги йилларда Халқ банки етакчи халқаро рейтинг агентликларининг юқори даражасини қўлга киритган банклардан бири саналади. Ушбу кўргазмада банк томонидан таклиф этилаётган хизмат турлари ва бошқа маълумотлар халқаро стандартларга

тўла жавоб беришини алоҳида таъкидлашни истардим.

Кўргазма якунида тўққизта йўналиш бўйича юқори кўрсаткичларни қўлга киритган муассасалар жамоасига диплом ва эсдалик совғалари топширилди. Халқ банки «Энг яхши микрокредитлаш хизмати», «Оилалар фаровонлиги ҳисса қўшаётган энг яхши банк», «Энг яхши ахборот билан таъминланган сентд» йўналишлари бўйича голиб бўлиб, диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Бу Халқ банкининг аҳоли ва мижозларга кўрсатаётган янги хизматлари билан жадвал суръатларда ривожланиб, улар ишончига сазовор бўлаётганлигининг амалий ифодасидир.

Банк матбуот хизмати

## ТЕНДЕРНАЯ КОМИССИЯ ГАЖК «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

объявляет тендер №3 2012 года на приобретение пассажирского тепловоза в количестве 2 единиц.

График поставок (2-3-й квартал 2012 года).

За тендерной и технической документацией обращаться по адресу:

г. Ташкент, ул. Т.Шевченко 7, ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари» Управление «Темирйўленилгитамин», комната 410.

Телефон: 237-94-72, 238-84-43, 237-96-33.

Электронная почта-aleksazizov@yandex.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

## ОЧИҚ ОФЕРТА САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

Очиқ оферта савдосига ТИФ Миллий банкининг қўйидаги корхоналар устав фондидаги 100 фоиз улушлари қўйилмоқда:

Т/р	Оферта савдосига қўйилган объект ва фаолият тури	Корхона жойлашган манзил	Сотувга қўйилган улуш (%)	Закалат миқдори (%) бошланғич баҳодан	Бошланғич баҳоси Сўм ёки АҚШ доллариде	
					Сўм	АҚШ доллариде
1	«KINDER FRUITS» МЧЖдаги улуш. Болалар таомлари ишлаб чиқариш.	Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 57-уй.	100 %	1 %	16 367 616 000	9 550 481,97
2	«TOSHKENT QOGOZI» МЧЖдаги улуш. Қоғоз ишлаб чиқариш.	Тошкент шаҳри, Фарғона йўли кўчаси, 23-уй.	100 %	1 %	25 854 000 000	14 802 473,38

Оферта савдосида иштирок этиш истагидеги талабдорлар ўрнатилган тартибда тўдирилган буюртманомаларни Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкига тақдим қиладилар ва закалат тўғрисидаги келишувга асосан, мазкур эълонда белгиланган миқдордаги закалат пулини Ўзбекистон Республикаси Миллий банкининг БХКМдаги ҳисоб рақамига тўлайдилар:  
Х/р: 2980100000000450047,  
МФО: 00450, СТИР: 200836354.

Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан закалат тўлови эркин муомаладаги валюта (АҚШ доллариде) да ёки миллий валюта (сўм)да амалдаги қонунчиликка мувофиқ тўланади.

Оферта таклифларини қабул қилиш муддати 2012 йил 18 май куни Тошкент вақти билан соат 18:00 да тўхтатилади.

Оферта таклифлари тақдим этилган конвертларни очиб ва оферта савдосини ўтказиш билан боғлиқ музокаралар 2012

йил 21 май куни Тошкент вақти билан соат 11:00 да ТИФ Миллий банкда амалга оширилади.

Таклифларни очиб вақтида оферта савдосида ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Оферта савдосида энг мақбул таклиф киритган талабгор оферта голиби деб топилади.

Тўловларни амалга ошириш тартиби:

Олдиндан тўлов — сотилиш баҳосининг камида 15% миқдорида, қолган қисми — олди-сотди шартномасида белгиланган муддатларда.

Объект миллий валютада бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг миллий валютадаги қолдиқ қисмига Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Объект хорижий валютада (ёки унинг эквивалентида) бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган тақдирда, сотиб олиш қийматининг қолдиқ қисмига банкнинг АҚШ доллариде учун база ставкаси бўйича фоиз ҳисобланади.

Ҳужжатларни расмийлаштиришдаги зарур бўладиган давлат божи ва бошқа харажатлар харидор маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Оферта савдоси ўтказилиши ва оферта ҳужжатларини тўлдириб билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкининг инвестиция фаолиятини мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш департаменти га қўйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темуру шох кўчаси, 101-уй.  
Тел: (8-371) 234-11-22; 234-15-60.  
Факс: (8-371) 234-44-38.  
www.nbu.com.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармасида 2009 йил 30 июнда 178-сонли реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтказилган «ADOLATLI HIMOYA» адвокатлик бюроси (ИНН 203686531, ОКОНХ 97820) таъсисчининг 2012 йил 16 апрелдаги қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ.

Давво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади. Телефон: 501-12-02.

Куч — билим ва тафаккурда!

# ЁШЛАРИ ЗАКОВАТЛИ, ИНТИЛУВЧАН БЎЛГАН МИЛЛАТНИНГ

## эртаси буюк бўлади

2011-2012 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясига сазовор бўлганлар орасида Фаргона давлат университетининг филология факультети немис тили йўналишининг 4-босқич талабаси Азизбек АХТЯМОВ ҳам бор.



Халқимиз тил билган эл билади, дея бежиз айтмаган. Марғилонлик бу йилгида ёшлигидан турли тилларни ўрганишга бўлган қизиқиш кучли эди. У ўқиган б-умумтаълим мактаби немис тилига ихтисослашганлиги сабаб, устозлари кўмагида бу тилни чуқур ўзлаштиришди. Умумтаълим мактабини аъло баҳоларга тамомлаган Азизбек 2008 йил Фаргона давлат университетининг филология факультетида ўқишга кирди. У илмга чанқоқлиги, хорижий тилларни чуқур ўрганишга иштиёқи баландлиги ҳамда жамоат ишларида фаоллиги билан тенгдошларига ўрнатилган келмоқда. Айни пайтда «Чет тили дарсларида гуруҳ ишларини қўллаш» мавзусидаги илмий иш устида изланишлар олиб бормоқда.

— Мамлакатимизда биз ёшларга илм олишимиз, ўзимиз танлаган соҳанинг етук мутахассиси бўлиб етишимиз, севган машғулотларимиз билан шуғулланишимиз, бўш вақтимизни мазмунли ўтказишимиз учун қулай шарт-шароит яратилаётгани давлатимиз томонидан келажак эгаларига берилмаётгани юксак эътиборнинг яққол исботидир. Албатта, бундай там-хўрликка жавобан шахсан мен илм сирларини пухта эгаллаш ва келгусида юртим равнақига ўз ҳиссамини қўшишни олдимга мақсад қилиб куйганман. Камтарона меҳнатим, бошлаган дастлабки илмий изланишларимни юқори баҳолаб, барча талабалар озу қиладиган Президент стипендияси соҳиб бўлганимдан бахтиёрман, — дейди Азизбек Ахтямов.

Иқтидорли талаба республика миқёсидаги фан олимпиадалари ва кўрик-танловларда доимо фаол иштирок этади. 2010 йилда немис тили фани бўйича ўтказилган Республика олимпиадасида иккинчи, 2011 йилда Германия элчихонаси томонидан ўтказилган «Нотиқлик санъати» танловида биринчи ўринни эгаллади. Эътиборли томони, Азизбек асосий мутахассислиги немис тили бўлса-да, у инглиз ва рус тилларини чуқур ва пухта ўзлаштирган. Утган йили у Германияда бўлиб, Росток университетиде олти ой таҳсил олиб қайтди.

**Муҳаммадхон ОБИДОВ,**  
«Ўзбекистон овози»  
мухбири.

Тошкент вилоят давлат педагогика институтиде «Мустақам оилада замонавий шарқ аёлининг ўрни» деб номланган тадбир бўлиб ўтди.

## ЗАМОНАВИЙ ШАРҚ АЁЛИ

«Қамолот» ЕИХ ҳамда институтнинг хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда устоз мураббийлар, талаба-ёшлар иштирок этади.

Жорий йилнинг «Мустақам оила йили» деб эълон қилинган бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширди. Жамиятнинг асосий бўлини бўлган оила институтини мустақамлаш, ёш оилаларни ҳар томонлама моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янги босқичга кўтариш энг устувор вазифалар сирасига кирди. Бунинг учун хотин-қизларга кенг имкониятлар яратиш, баркамол авлодни тарбиялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

— Миллий келин саломлар, лапар-ўланлар, урф-одат ва аъналаримиз намоишини тадбирга ўзгача шукух бахш этди. — деди институт хотин-қизлар кўмитаси раиси Дилфуза Шодиева. — Барча иштирокчи устоз ва талабаларнинг саҳнадаги маҳоратларини кўриб лол қолдик. Саҳна кўринишларида эрта турмуш қуришининг салбий оқибатлари, ҳар хил тугма касалликлари билан дунёга келаятган болалар муаммолари атрофли акс эттирилди.

Иштирокчилар «Қамолот» ЕИХ ҳамда институт хотин-қизлар кўмитаси томонидан қимматбахов совғалар ва faxрий ёрликлар билан тақдирланди.

**Барно МЕЛИҚУЛОВА,**  
«Туркистон-пресс».

## Болалар спорти

# ОЛИМПИАДА УМИДЛАРИ

Пойтахтимиздаги 22-сонли болалар ва ўсмирлар ихтисослаштирилган Олимпия захиралари спорт мактабиде иқтидорли ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда бу ерда ўнлаб умидли қизалоқлар спортнинг нафис тури — бадий гимнастика билан шуғулланишмоқда.

— Беш йилдан бери шу даргоҳда қизларга бадий гимнастика сирларини ўргатиб келаман, — дейди мураббий Люция Минибаева. — Бу масқанда нафис гимнастика бўйича мохир спортчиларни тайёрлаш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Шогирдларим орасиде турли ёшдаги қизалоқларни ўқитишнинг имконияти мавжуд. Уларнинг ҳар бири келажакда жаҳон ва Олимпия чемпио-

пиларни бўлиб улғайишни озу қиламан. Жумладан, Алина Кобец, Альбина Маликова сингари қизларимизнинг бемалол, олимпиада умидлари, деб атаган булардим. Уларда юксак иштиёқ ва иқтидор бор. Шогирдларимнинг шаҳар ва республика миқёсидаги мусобақаларда қайд этаятган натижалари ҳам фикрим тасдиғидир.

— Ёшим ўнда, — дейди

умидли спортчилардан бири Альбина Маликова. — Уч йилдан бери мураббий Люция Минибаева кўл остида машғулотларда қатнашиб келяман. Устозимнинг талабчанлиги мени ўз устимда кўпроқ ишлашга ундайди. Мураббийим фақатгина машғулотлар билан чекланиб қолмасдан мактабдаги ўқишларим билан ҳам қизиқиб туради. Яқинда «Соғлом авлод учун» соврини учун ўтган республика турнирида совриндорлар қаторидан жой олдим. Келгусида мохир гимнастикчи миз Ульяна Трофимова сингари Олимпия ўйинларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қилмоқчиман.

(Ўз мухбиримиз).



Суратда: мураббий Люция Минибаева машғулот пайтида. Муроббек ЗИЁ олган сурат.

## Миллий матбуот марказида

# МИЛЛИЙ ЭСТРАДА САНЪАТИНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ

ва уни турли зарарли оқимлардан ҳимоялаш борасиде амалга оширилаятган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди

Унда «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг бош директори Азамат ХАЙДАРОВ мусиқа санъати ижрочилиги билан шуғулланувчи гуруҳлар ва яққа шахслар ижодий фаолиятини мувофиқлаштириш, хонандаларни халқимиз учун манзур бўладиган, бадий жиҳатдан пухта қўшиқлар яратишга йўналтириш, ёш истеъодларни излаб топиш ва ижодий жараёнга кенг жалб этиш — ташилот фаолиятининг устувор йўналишларидан эканлигини таъкидлаб, бу борада амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берди.

Жумладан, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг жойлардаги бўлимлари моддий-техник базасини янада мустақамлаш, зарур ускуна ва жиҳозлар, ахборот-коммуникация воситалари билан таъминлаш юзасидан изчил ишлар амалга оширилмоқда. Санъаткор маънавиятини юксалтиришга доир давра суҳбатлари ташилот этилмоқда. Ёшларнинг миллий қизиқишлик санъатимизга бўлган қизиқишини ошириб бориш, ноёб овоз соҳибларини аниқлаб, уларни катта сахналарга олиб чиқиш мақсадиде «Ягонасан, муқаддас Ватан!», «Марди майдон!» каби танлов ва фестиваллар ўтказилиб келинмоқда. Мазкур танлов ва фестивалларда муносиб иштирок этган ёш истеъод эгаларининг ижодини қўллаб-қувватлаш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадиде 50 нафардан ортиқ хонандага Бирлашма томонидан имтиёзли лицензия берилди.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси билан ҳамкорлиқда турли ресторани, кафе ва дам олиш муассасаларида хонандалар, бошловчилар, раққослар, созаданларнинг лицензиясиз фаолият кўрсатишига барҳам бериш юзасидан рейдлар ўтказилди. Натижада лицензиясиз фаолият олиб бораётган 228 нафар хонанда, бошловчи, раққос ва созаданлар расмий огоҳлантирилди, 73 нафарига лицензия расмийлаштирилди. 19 нафар санъаткорнинг ҳужжатлари эса чора кўриш учун идораларига юборилди. 14 нафар хонанда-

нинг ҳужжатлари эса тегишли органларга топширилди. Мазкур рейдларнинг самарадорлигини янада ошириш учун жорий йилнинг февраль ойида Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда худудлардаги ички ишлар бўлимларининг вакиллари учун семинар-кеңашлар ташилот этилди.

Айни кунда Бирлашманинг uzbeknavo.uz веб-сайтнинг қайта яратиш ишлари якунланиш арасиде. Эндиликда мазкур веб-сайт аҳолига интерфаол хизматлар кўрсатиш, мувожаатларни он-лайн тарзда қабул қилиш, тез ўрганиб чиқиш, жавоб бериш, махсус рўхсатнома (лицензия) олиш ва концертлар ўтказиш учун гувоҳномага доир ҳужжатларни тулиқ электрон шаклда қабул қилишда қулайликлар яратилди.

Бундан ташқари Бирлашма томонидан энг улғ, энг азиз айёмимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллиги арафасида «Истиқлол» санъат саройиде «Сени шарафлаймиз, Ўзбекистоним» деб номланган жонли ижродаги гала-концертини ўтказиш режалаштирилган.

Шунингдек, анжуманда бугунги глобаллашув даврининг салбий жиҳатлари қўшиқчилик санъатимизни ҳам четлаб ўтмайётганига эътибор қаратилди. Шу боис ёшларнинг қўшиқчилик санъатига бўлган муносабатини тўғри шакллантириш, уларни миллийлигимизга зид ғоялардан асраб-авайлашда санъаткорлар зиммасида ҳам катта масъулият борлиги алоҳида таъкидланди.

**Абдусалим МАҲМУДОВ**



## Миннатдорлик

— Ёшим етмиш бешга етди, Андижон тумани, Хартум қишлоқ фуқаролар йиғини, «Ўрикзор» маҳалласиде яшайман, — дейди Маҳаммат Маматхонев юртимизда савобли, хайрли ишлар қилаётган саҳоватпеша инсонлар кўп. Лекин онда-сонда бўлса ҳам кўмакка муҳтожларнинг молига кўз тикканлар учраётгани ачинарли.

# УЙ ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

Дунёёздхон Тожибоева ўғли Умиджон билан Андижон шаҳридаги 1-кичк даҳа, 21-уйнинг 6-хондониде яшарди. Она-боланинг руҳий ҳасталигидан фоҳдаланган Манзура Мирзабоева деған аёл фибрибарлик йўли билан бу уйни қизи Гулнара Камолова номига кўзаиб, она-бола ногиронни куҗага ҳайдади. Дунёёздхон ўғли Умиджон билан сарсон бўлиб, охири ногиронлар уйдан панаҳ топди.

Кўп ўтмай Манзура Мирзабоева уйни фуқаро Кутбиддин Абдуллаевага сотиб юборарди.

Ногирон она-боланинг қонуний уйини қайтариш учун судга даъво арзисиде билан мувожаат қилдик. Фуқаролик ишлари бўйича Кўрғонтепа туманларо суди ҳолатни ҳолис ўрганиб, уйни эгаси — Дунёёздхон Тожибоевага қайтариш ҳақида қарор чиқарди. Орадан уч ой ўтган, Кутбиддин Абдуллаев мен сотиб олганман, деб уйни яна тортиб олади.

Бўлган воқеа юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят судига тегишли ҳужжатларни тақдим этдик. Суд қонун устуворлигини таъминлади. Суд ижрочилари Ф.Бакиров, Қ.Ғайназаров, Д.Абдурахмоновларнинг қонуний ҳаракати билан ҳақиқат қарор топди. 2-гуруҳ ногиронни Дунёёздхон Тожибоева ўғли Умиджон билан ўз уйининг эгаси бўлди.

— Адолатли иш кўрган, масъулиятли вазифаларини сидқидилдан бажарган суд ҳамда суд ижрочиларидан миннатдоримиз, — дейди Маҳаммат Маматхонев. — Уларнинг қонуний ҳаракати билан икки жабрдийда инсон ўз уйига қайтди.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## Футбол

Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ учрашувлари ҳал қилувчи паллага кириб бормоқда. Кеча навбатдаги тур баҳслари ўз ниҳоясига етди.



# «ПАХТАКОР»НИНГ 100-ГОЛИ

Амалдаги Ўзбекистон кубоги соҳибии — Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси мусобақанин «В» гуруҳида тўп сурумқода. Пахтакорчилар туртинчи турда сафарда Қатарнинг «Ал-Араби» футболчилари меҳмони бўлди. Мазкур жамоаларнинг Тошкентда кечган дастлабки ўйинида ҳамюртларимиз 3:1 ҳисобида ишончли ғалабани кўлга киритган эди.

Шу боис, жавоб учрашувида ақсарият мухлислар «Пахтакор» футболчиларининг имкониятини юқори баҳолашга танди. Майдонда уюшқоқлик билан тўп сурган тошкентликлар бу ишончли оқлашди. Урашувнинг 39-дақиқасиде Темуруҗа Абдуҳоликот томонидан киритилган ягона гол пахтакорчиларга муҳим уч очкони тақдим этди. Эътиборлиси, ушбу тўп «Пахтакор» футболчилари томонидан Осиё чемпионлар лигаси учрашувларида рақиблари дарвозасига киритилган юзинчи голдир.

Гуруҳнинг иккинчи ўйинида «Банияс» (Бирлашган Араб Амирликлари) — «Ал-Иттиҳод» (Саудия Арабистони) жамоалари майдонга тушди — 0:0. Кеча эса мухлислар Тошкентнинг «Бунёдкор» («Е» гуруҳи) ҳамда Қаршининг «Насаф» («В» гу-

руҳи) жамоалари иштирокидаги учрашувларнинг гувоҳи бўлишди. Жумладан, унда бунёдкорчилар ўз майдониде Япониянинг «Гамба Осака» вакилларига қарши майдонга тушиб, 3:2 ҳисобида зафар қучди. Голларни ҳамюртларимиздан Камоллидин Мурзаев, Лутфулло Тўлаев ва Анваржон Солиевлар киритди. Қаршиликлар эса Қатарнинг «Ар-Райан» футболчиларини қабул қилди — 0:1.

Гуруҳ босқичининг бешинчи тур ўйинлари 2 май куні бўлиб ўтади. Шу куні «Ал-Жазира» (Бирлашган Араб Амирликлари) — «Насаф», «Пахтакор» — «Ал-Иттиҳод» (Саудия Арабистони), «Аделаида Юнайтед» (Австралия) — «Бунёдкор» футболчилари ўзаро куч синашадилар.

**Эркин ХОЛБОВО,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Nursuv Biznes» МҶЗ маълумияти, жамият таъсисчиларининг 28.03.2012 йилдаги 4-сон йиғилиш баънига асосан Низом жамғармасининг 617 585 770 сўмга қамайтирилганини  
**МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

Газетанинг навбатдаги сони 24 апрель, сешанба куні чиқади.

## MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV



Abdulla ORIPOV  
Latif G'ULOMOV  
Bobir ALIMOV  
Sharbat ABDULLAYEVA  
Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV  
Tat'yana KISTANOVA  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
G'afur HOTAMOV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)

MUHIIDDIN  
MUSHIIDINOV  
OCHIIBOY RAMATOV  
Saidahmad  
RAHIMOV

## BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kотиbiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

\*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Ko'rxona manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.  
Газета офсет усулида, А-2 форматиде босилди. Ҳажми 2 босма табоқ.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. O'zbekiston ovozi materiallarini ko'chirib boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

G — 446  
17168  
nuxxada  
bosildi.

t — Tijorat materiallari  
O'zA yakuni — 21.10  
Toshirilgan vaqti — 23.30

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV



1 2 3 4 5